



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доценти
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
3. Валишер Абиров, Иломиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA VA’ZI MASALALAR.....	54
8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абиров Валишер Элмуродович,

Тошкент давлат шарқшунослик институти
таянч докторанти

Мамаюсупов Исломиддин,

Тошкент давлат шарқшунослик
институти талабаси

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР

For citation: Valisher Elmurodovich Abirov, Islomiddin Mamayusupov, ABOUT ETHNIC LAYERS OF SOUTH UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.22-32



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек халқининг шаклланишида худудий жихатдан муҳим саналган Сурхон воҳаси аҳолисининг этник таркиби ёритилган. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида яшовчи қўнғирот, юз ва қарлуқ уруғлари, ўтроқлашган уруғлар тўғрисида маълумот келтирилди. Уруғларнинг Сурхондарё воҳасига кириб келиш жараёни ва ҳозирги кунда улар яшаётган худудлар ўрганилган. Шунингдек, жанубий Ўзбекистон аҳолисининг этник қатламларининг қадимги манбаларда келтирилиши тадқиқ этилиб, тавсифланди ҳамда илмий таҳлил этилди.

Калит сўзлар: Жанубий Ўзбекистон, этнос, этногенез, этник тарих, уруғ, уруғ-қабилла, қўнғиротлар, юзлар, қарлуқлар, Далварзинтепа, қаробчи,

Валишер Элмуродович Абиров,

базовый докторант

Ташкентского государственного института востоковедения

Исломиддин Мамаюсупов,

студент Ташкентского государственного

института востоковедения

ОБ ЭТНИЧЕСКИХ ПЛАСТАХ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Данной статье исследуется этнический состав населения Сурхандарьинского оазиса, который является территориально важным для формирования узбекского народа. Здесь предоставлена информация о кунградах и карлуках, автохтонных и пришлых племенах, обитавших в южных регионах Узбекистана. Изучен процесс проникновения этих племен в Сурхандарьинский оазис и районы, населенные сегодня ими. В результате, описаны и научно проанализированы письменные источники, представляющие информацию об этнических корнях населения юга Узбекистана из древних источниках изучены.

Ключевые слова: Южный Узбекистан, этнос, этногенез, этническая история, семья, племя, кунграды, карлуки, жузы, Дальварзинтепа.

Valisher Elmurodovich Abirov,

PhD researcher

Tashkent State Institute of Oriental Studies

Islomiddin Mamayusupov,

Student Tashkent State Institute of Oriental Studies

ABOUT ETHNIC LAYERS OF SOUTH UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article examines the ethnic composition of the population of the Surkhandarya oasis, which is territorially important for the formation of the Uzbek people. Here you can find information about Kungrads and Karluks, autochthonous and alien shrouds that lived in the southern regions of Uzbekistan. The process of penetration of these tribes into the Surkhandarya oasis and the areas inhabited by them today is studied. As a result, written sources describing the ethnic roots of the population of southern Uzbekistan from ancient sources are described and scientifically analyzed.

Index Terms: ethnos, ethnogenesis, ethnic history, seed, tribe, Kungrad, Karluks, zhuzes, Dalvarzintepa.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Сурхон воҳаси ҳам ниҳоятда улкан тарих ва бой қадриятларга, юсак маънавиятга бешик бўлган минтақа саналади. Сурхондарё худудий жойлашуви Амударё орқали жанубдан Афғонистон, шимоли-ғарбдан Туркменистон, жануби-шарқдан Тожикистон билан чегарадош бўлиб, этнологик тадқиқотлар учун жуда муҳим манбалар бериб, унинг аҳолиси асрлар давомида ушбу қўшни мамлакатлардан кўчиб ўтган этник гуруҳлар ҳисобига бойиб борди. Шу туфайли Сурхон воҳаси аҳолиси ўзининг уруғ-қабила таркиби жиҳатдан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Йирик этник гуруҳлар ўртасидаги табақаланиш фарқлари аниқланган ҳозирги даврда антропологлар олдида турган масала шундаки, антрополог Г.Ф.Дебец ибораси билан айтганда «ҳам катта этник гуруҳлар ўртасидаги, ҳам оз сонли уруғ-қабила гуруҳлари ўртасидаги майда тафовутларни аниқлашдир»[1:8]. Чунки Сурхондарё вилоятида турли хил урф-одатларга эга бўлган этник гуруҳлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан фарқланади. Кейинги йилларда ўтказилган этногенез масалаларига оид тадқиқотлар, археологик ва антропологик таҳлиллар бу худуд аҳолисини юқори палеолит давридан буён яшаб келаётганини исботлаб берди[2:7]. Давлатчилик тарихини ўрганишда унинг асосий негизи бўлган халқларнинг шаклланиш жараёнларини таҳлил этиш, ижтимоий-маданий ҳаёт даражасини ёритиш муҳим масаладир. Шу туфайли Сурхон воҳасидаги уруғ, элат, халқларнинг қандай шаклланишини ўрганиш, ҳар бир уруғнинг юзага келишидаги сабабларни илмий тадрижини ёритиш долзарб ҳисобланади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихни ўрганишда қабул қилинган методлар – тарихийлик, хронологик, қиёсий-тарихий, тизимли таҳлил, ретроспективлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ифодаловчи расмий статистик маълумотларидан фойдаланилган бўлиб, унда этник гуруҳларни илмий жиҳатдан ўрганиб фанга олиб кириш, этник қатламларнинг ижтимоий-турмуш тарзини ўрганиш, иқтисодий, маданий ҳаётга қўшган ҳиссасини ёритиш муҳим масалаларига урғу берилган.

XX аср 40-йилларидан бошлаб ўзбек халқининг этник тарихи ва тарихий этнографияси масалалари маҳаллий ва рус тадқиқотчилари томонидан ўрганилди. Бир қатор маҳаллий этнограф олимлар гуруҳи К.Ш.Шониезов, А.А.Асқаров Ш.Иноғомов, Т.Файзиев,

Х.Исмоилов, Б.Аминов, М.А.Бекжанова, И.М.Жабборов, С.М.Мирхасилов, Т.Х.Тошбоева, Ф.А.Арипов, М.Савуров, Ш.Музаппаров, Р.Курбангалиева, М.Рузиева, Д.А.Алимова, А.Х.Дониёров, У.Абдуллаев, А.Аширов, Ш.Атаджанов, З.Х.Арифханова, Х.Дониёров, И.Умаров, С.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, А.Курбонов, Н.Турсунов ва бошқаларнинг илмий ишлари, этнограф-турколог Б.Х.Кармышеванинг илмий тадқиқотлари ҳамда ЎзРФА Тарих институти этнология бўлими илмий ишланмаларида Марказий Осиё минтақа хусусан, Ўзбекистон худудлари этнографиясининг ўрганилганлик даражасини кўришимиз мумкин. Жанубий Ўзбекистон худудлари аҳолисининг тез ўсиши, уруғларни аралашиб ҳамда қўшилиб кетишининг кучайиши туфайли тадқиқотларни худудий жиҳатдан қайта тезкор ўтказиб туришни ҳам талаб этади. XIX – XX асрнинг бошига келиб аҳоли жойлашуви тез ўзгармаган бўлсада, бироқ XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида этнологик илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, фақатгина аҳолининг ўсиши эмас, балки ижтимоий турмушининг ўзгариши, кумли ва бўз ерларни ўзлаштириш, аҳолининг мажбуран кўчирилиши, четдан кириб келган бошқа элатларнинг маҳаллий аҳоли билан қўшилиб яшаши каби ҳолатларнинг юзага келишига олиб келди. Айниқса, бу этник ўзгаришлар Шеробод, Термиз, Қумқўрғон, Қизириқ, Музробод, Бойсун, Бандихон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун, Сарисийё туманларида яққол сезилади. Этнологик тадқиқотлар йирик маҳаллий миллатлардан ҳисобланган ўзбек, тожик, туркманлар ўртасида, иккинчи томондан ўзбекларнинг ҳар хил этник гуруҳлари бўйича олиб борилди. Тадқиқотлар воҳада 1997-2004 йилларда ўтказилиб, 89 та йирик ва ўрта қишлоқларда 9134 киши тадқиқ қилинди. Шулардан ўзбеклар 5380 (4250 эркак ва 1130 аёл), тожиклар 1750 (1270 эркак ва 480 аёл), туркманлар 830 (675 эркак ва 155 аёл), араблар 157 (84 эркак ва 73 аёл) нафарни ташкил этди. Бундан ташқари 1017 киши – аралаш нигоҳдан туғилганлар ҳам ўрганилди. Тадқиқ этилган барча ўзбекларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) уруғ-қабиллага бўлинган ўзбеклар; б) уруғ-қабиллага бўлинмаган ўзбеклар.

Уруғ-қабилла номига эга бўлган ўзбеклар қуйидаги уруғ-қабилаларни ташкил этдилар: а) қўнғирот; б) турк; в) юз (жуз); г) кам сонли уруғ-қабиллага бўлинганлар. Охириги гуруҳ қабилаларига қуйидаги уруғлар киради: катағон, элбеги, дўрмон, қора тамғали, туркман, қовчин, кенагас, қутчи, қорақалпоқ, батош, хитой, хардури, олачилик, араб, чупак, қатори, гов, қоқиқўр, шиликор. Қўнғирот қабиласининг ичида кичиг гуруҳларни аниқлашга ҳам эришилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбек халқининг этник тарихи дастлабки аجدодлари яшаган худуд билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида илк аجدодларнинг этник тарихини, этногенезини, этник жараёни илмий асосда ёритиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки Ўзбекистоннинг жануби бўлган Сурхон худуди туб ерли (автохтон) этник компонентларининг шаклланиши, ўзаро яқинлашуви, уларнинг қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориш усули тўлиқ илмий таҳлил этилмаган. Бу минтақада инсониятнинг қадимги маданият марказлари: Тешиктош ғори, Сополлитепа, Жарқўтон, Термиз харобалари, Тоҳаристон, Далварзинтепа, Холчаён, Чағаниёнда олиб борилган археологик қазилмалардан топилган материаллардан маълум бўлишича, милоддан аввалги II мингинчи йилларда илк аجدодларимиз ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланганлиги тасдиқланди[3:10].

Сурхон худудида яшаган туркий аҳоли тожиклар билан бирга аждодлар яратган моддий бойликнинг ворислари бўлиб, уни авайлаб сақлаб, ҳимоя қилиб, ўз ҳиссаларини қўшиб, уни бойитиб келар эдилар. Тожикларнинг баъзи гуруҳлари воҳадаги қарлуқ уруғлари билан аралашиб, қўшилиб кетган, натижада қоришув вужудга келган. X-XII асрларда Сурхон воҳаси худудларига Мовароуннаҳрнинг шимолий қисми Тошкент ва Фарғона тарафидан Арвин кўчманчи туркий қабилалари келиб жойлашиб, ўтроқ аҳолига қўшилиб кета бошлайдилар.

IX-X асрларда Марказий Осиё худудларида этник жараёнлар турли хил бўлиб, қадимдан турғун яшаб келиб, деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган. Сурхон воҳасида туркий забон ва Тожик халқи ёнма-ён яшаб келган.

Шунингдек, араблар ҳам маҳаллий ўтроқ ҳолда яшаб қолдилар. Тоҳаристон ҳудудида яшаган аҳоли бевосита кўчманчи, ярим кўчманчи туркий қабилалар билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Араб сайёҳларининг ёзма манбаларида қайд этилишича, Чағониён шаҳри Шимолий Тоҳаристон ўлкасидаги энг йирик шаҳар ҳисобланган, аммо ундаги аҳоли сони Термиз шаҳри аҳолисидан оз бўлган. Сурхон воҳасида Амударё куйилиш қирғоғида жойлашган Термиз шаҳри мустақкам мудофаа истехкоми бўлиб, асрда шаҳарда 33-35 минг киши истиқомат қилган. Термиз Мовароуннаҳрдаги энг йирик аҳоли марказларидан бири бўлиб, Тоҳаристоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи босқичи XI аср ўрталаридан XII аср ўрталаригача давом этган. Мазкур босқич асосан Қорахонийлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доирасида ўтади. Бу даврда (XI-XII аср) элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига этиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига этади[4:337]. Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи аҳолининг асосий қисми X аср ўрталарида ислом динини қабул қилиб, ислом дини то Исикқўл атрофларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олди. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қарлуқ, чигил, халач, яғмо, дуғлат, нушиби, арғу, туғси, аз, ўз, дулу, тукеш, қанғли, қипчоқ, ўғуз, басмил, сари, кун ва бошқа этнослар ва этник гуруҳлар ҳам қатнашганлигини К.Ш.Шониёзов ўз илмий тадқиқотларида асослаб берган.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги туркий тил кўп шеваги бўлиб, адабий тилдан анча фарқ қилган. Шунингдек, ўша даврдаги туркий этник халқнинг шаклланиш жараёнини ўрганишлар тилшунос олимларнинг ҳам алоҳида хизматлари бўлиб, бу борада ўрта асрлардан буён муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар X-XIII асрларга хос тилшунослик ва адабиётга оид асарларда таҳлил этилган бўлсада, ўзбек тилининг пайдо бўлишида қайси қабил ва хал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди, деган жавоб ҳанузгача ўзининг илмий асосини топгани йўқ.

XIII – XV асрларда Сурхон ҳудудида ички сиёсий курашлар кучайган бир давр бўлиб, мўғул қавмларининг маҳаллий туркий гуруҳлар билан аралашуви кучайди. Мўғулистондан кўчиб келган арлот қавмларининг бир қисми XIII асрнинг биринчи чорақларида ҳудудга ўрнашадилар ва арлотлар ўз тилларини аста-секин унутиб, туркий тилини қабул қиладилар. Шу асрнинг 60 йиллари Еттисув арлотларининг бир гуруҳи кўчиб келиб, Сурхондарё вилоятининг жанубида, Термиз атрофларида ва Афғонистоннинг шимолий минтақаларида яшайдилар. Арлотларнинг ушбу гуруҳи кейинчалик Амир Темурга садоқат билан хизмат қилиб, унинг ҳарбий юришларида қатнашадилар.

XIV – XV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи нуфузли этнослардан бири арғунлар бўлиб, уларнинг анчагина қисми Сурхон-Шеробод водийсида ва Афғонистонда ўрнашган. Илк ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда араблар ҳам Сурхон воҳасининг Шеробод даштликларида ва Сурхондарё қирғоқларида жойлашиб, аста-секин ўтроқлаша бошлайдилар. Ўзбек элатининг таркибида ярим ўтроқ тарзда яшовчи этник гуруҳлар маҳаллий этник уруғлар билан аралашиб уруғ-аймоқларга бўлиниб, турғун ўтроқ аҳолига кўшилиб, ўз номларини ҳам унутиб юборишади. Натижада Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам мўғулларнинг асосий қисми маҳаллий аҳоли таъсирида тил жиҳатдан туркийлашган мўғул номини олиб, мўғул этник гуруҳини ташкил этади. Аммо қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳолининг таъсирида мўғул гуруҳларининг маданиятида, турмуш тарзида, тилида ва руҳиятида кескин ўзгаришлар юз беради. XIV-XV асрларга келиб, улар Мовароуннаҳрнинг барча туркий аҳолиси қатори, ўзларини турк ёки турк-чиғатой деб номлаши уларнинг ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Улаш Туропов номли хўжаликдаги, Термиз тумани «Дўстлик» хўжалигида яшовчи турк-чиғатойлар шуларнинг авлодларидир.

Сурхон-Шеробод водийсидаги локал-худудий бирликларга ўзининг этник номига эга бўлмаган, яшаб турган худуди номи билан аталувчи бойсуни, мачайи, хардури, вахшивори, синачи, ушори, дарбанди, сайроби, пошхурти, вандоби каби этнолокал бирликлар[5:7] мисол бўлади. Бу этнолокал бирликларда кўпинча тил жиҳатдан билингвизм ҳодисаси кузатилади, яъни улар ўзбек ва тожик тилларида баравар сўзлашадилар. Ўзига хос генеонимларига эга бўлиб, улар фақат топоним, ороним, гидроним ва антропонимлар асосида ташкил бўлган ички бўлиниш тарзида таркиб топган бўлиб, қондош-уруғчилик тизимига асосланмаган[6:30-31].

Хўжалик-маданий хусусиятларига кўра уларнинг хўжалигида деҳқончилик ва хунармандчилик етакчи ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган этно-ижтимоий бирликлар – чиғатойлар ва хўжалар ҳам ўзига хос этник стереотипларга эгадирлар. Чиғатой этноними минтақанинг ўтроқ ўзбек ва тожик тилли аҳолисининг умумий номи маъносида қўлланилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, сарт этноними билан маълум маънода синоним бўлиб, бу минтақа аҳолисининг этник хусусиятларидан биридир. Хўжалар ҳам тил жиҳатдан ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида ҳамда айрим қишлоқларда ўзбек ва тожик тилида баравар сўзлашадилар. Оила-никоҳ муносабатларида эндогам никоҳ устунлик қилади. Улар ҳам ички антропоним уруғларга бўлинади. Тарихий-этнографик тадқиқотларда улар аҳолининг ижтимоий қатлами сифатида қайд этилган.

Сурхон аҳолисининг этник таркиби учта йирик этник гуруҳдан иборат. Илмий адабиётларда улар турмуш тарзи, уруғчилик кўринишларига қараб қуйидаги этник гуруҳларга бўлинган:

1. Уруғ-қабилаларга бўлинмайдиган аҳоли, яъни «сартчиғатойлар», «хўжалар» ва «қаршилиқлар».
2. Қадимги уруғлар, яъни мўғуллар истилосига қадар ва мўғуллар билан бирга келган турк-мўғул қабилалари, яъни юқорида тилга олинган турклар.
3. Дашти қипчоқдан Шайбонийхон билан келган сўнгги кўчманчи ўзбек уруғлари, яъни юқорида айтиб ўтилган ўзбеклар».

Кўнғирот этник гуруҳи бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудлари бўйлаб ёйилган. Бу этник таркибнинг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёни тўғрисида «Мўғулларнинг сирли тарихи» (бу асар 1240 йилда мўғулларнинг улуғ хони Угадой буйруғи билан ёзилган), XIV асрда яшаган машҳур шарқ тарихчиси Рашидидин Фазлуллоҳ Қазвинийнинг «Жомъе ат таворих» асарларида батафсил маълумот берилади[7:4-5]. Рашидидиннинг маълумотига кўра, олтин устундан уч ўғил Жўрлик мерган (ҳозирги кўнғиротларнинг фикрига кўра кўнғирот қавмининг бобоси), Кубой-Широ, Бустудой пайдо бўлган ва улар Арканакунга (Аркана-тоғнинг камари ва кун эса тез ва ўткир маъносида) бориб жойлашадилар ва айнан шу ака-укалар авлодлари кўнғирот қавми, деб ҳисобланади.

Кўнғиротларнинг XV-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихий Муқимхоний», Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» ва «Шарафномаи шоҳий», Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатоғоннинг «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), Абдурахмон Толенинг «Тарихий Абулфайзхон», Абулғозийнинг «Шажараи турк» асари муҳим аҳамиятга эга. Абулғозий «Шажараи турк» асарида кўнғиротларнинг келиб чиқишини мўғул хонларидан бўлган Чўрлик мерганнинг ўғли Кўнғирот номи билан боғлайди[8:38-39].

Хофиз Таниш ал-Бухорий кўнғиротларнинг келиб чиқиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бу жамоа ҳам Арканакунга борган икки кишининг наслидандур. Чунончи, (улар тўғрисида) айтадилар ва ҳикоя қиладиларки, бу кўнғирот қавми бошқа (қавм)лардан аввал, улар билан кенгашмасданоқ (Арканакундан) тезлик билан чиқиб кетганлар ва шундай қилиб, бошқа қавмларнинг оташдонларини оёқости қилганлар. Мўғулларнинг эътиқоди шулки, кўнғиротларда кўп содир бўлиб турадиган оёқ оғриқларининг сабаби уларнинг ўша хатти-ҳаракатларидирки, уларнинг оёқларига ўша зулмининг наштари теккан»[9:18-19]. Кўнғирот қавмидан жуда кўп бошқа қавмлар ва тармоқлар бўлиб ажралиб чиқган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ва муайян бир ном билан фарқ қилган.

Кўнғирот сўзининг этимологияси аниқланмаган. Бир фикрга кўра, у «қорақарға»[10:87], бошқа фикрга кўра, «кўнғир» ва «от» сўзларидан ҳосил бўлган дейилади. Тарихий далиллар ҳар икки фикрни инкор этади. Кўнғирот сўзининг аслида хунн-чурр-ют сўзларидан ташкил топиб, олдинги икки сўз қабилалар (яъни, хунн(хион)лар билан хуррийлар номини, ют эса ҳам кўплик, ҳам ҳарбий тузилма маъносида тушинилиб, хунн ва хуррларнинг ҳарбий иттифоқи деган маънони англатади. Иттифоқ номи этник номга айланиб, хунхурот-хунхирот-кўнғирот тарзида ифодаланадиган бўлди.

Кўнғиротлар турк-мўғил қабилалари орасида Чигизхонга энг яқин қавм ҳисобланган. Чунки кўнғиротлар унга ҳокимиятни мустақкамлаб олишга ёрдам беришган. Кўнғиротларнинг қиётларга, яъни чингизийларга яқин бўлганлиги уларнинг мавқеи юқори бўлишига олиб келган. Чингизхоннинг ҳарбий юришлари даврида Дашти Қипчоқ ва Маварауннахрдаги кўпгина катта-кичик ёки кучсизроқ қабилалар асл мўғуллардан ҳисобланган кўнғиротлар таркибига кирган ва ўзларини шу ном билан аташган. Бунинг сабабини Рашидиддин куйидагича изоҳлайди: «Ҳар хил уруғлар ўзларининг улуғлиги ва қадрини ўзларини мўғулларга қўшиш билан белгилай бошлайдилар. Чунки Чингиз ва унинг уруғи мўғул деб аталар эди. Ана шунинг учун ҳам жалойир, татар, ойрат, унгут, керайит, найман, тангут каби ҳар хил қабилалар эндиликда ўзларини мўғулга қўшиб ҳисоблайди»[11:102].

Агар кўнғирот уруғи жадвалига назар ташланса, у ҳолда келиб чиқиши кўнғиротларга алоқаси бўлмаган ойинли, тароқли, қарақалпоқ, сарой, мўнка, тўғиз, тулкичи, меркит сингари йирик қабилаларнинг кўнғиротлар таркибига кирмаганлигини гувоҳи бўламиз. Бу қабилалар бир вақтлар катта нуфузга эга бўлган, кейинроқ турли сабабларга кўра ҳар ерга тарқалиб, бошқа туркий қабилалар қаторига кириб қолганлар ва аксинча бошқа туркий қабилалардан кўнғирот уруғи таркибига кириб кетган уруғлар ҳам мавжуд. Улар жумласига абохли, баймоқли, эшкили, кўчаҳўр, ойинли, тортувли, тулкичи каби уруғларни киритиш мумкин.

Халқ орасида тарқалган ривоятларнинг деярли барчасида кўнғирот элининг кўнғир от эгасидан тарқалганлиги айтиб ўтилади. Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигида яшовчи кексаларнинг ривоятларига кўра, кўнғиротларнинг бош бобоси Маматқул Гудрабий бўлиб, ундан беш ўғил қолади. Катта ўғли Алижонбекдан қўштамғали, Жонуқулбекдан оқтамғали, Муллажондан ойинли, Ҳайдарқулбекжондан қонжиғали, Холуқулбекдан тортувли уруғи тарқалган экан.

Сурхон воҳасида жойлашган кўнғиротларнинг шажарасини ишлаб чиқишда Б.Х.Кармишеванинг ҳиссаси катта. Кармишеванинг асарида келтирилган кўнғиротларнинг генеалогик жадвалида бу қабиланинг бешта: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойинли ва тортувли каби уруғлардан иборат эканлиги кўрсатилади[12:87].

Кўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 20 та катта уруғга бўлинади. Булар: очамайли, баймоқли, тароқли, чиниқли, қазаёқли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қорақўнғирот, бўғажели, ўювли, хандақли, ирғоқли, абоқли, кесовли, гиламбобли ва ушкили уруғларидан иборат.

Қўштамғалилар 16 та катта уруғга бўлинади. Булар: тулангут, тиловат, қорақасмоқ, кал, бармоқ, кўлоби, севрибузар, замбури, кўса, ўтроқли, кўчаҳўр, бандикучук, оқпичоқ, чол, мавлиш ва қарақалпоқ уруғларига бўлинади.

Қонжиғали уруғи 14 та: улус, чўллик, қуюн, қорағурсоқ, молтака, қўлдовли, қорабувва, дўска, тўпқора, кўртўғай, нўғай, желкиллақ, гала ва қора уруғларига бўлинади.

Ойинлилар 12 та: тўпар, қачай, қорақолпоқ, қовға, чурон, хожибачча, туркман, қора, кел, бешбола, оқтона ва ойттамғали уруғларига бўлинади.

Кўғирот тортувлилар эса 6 та: тўғиз, мўнка, майдатоба, чўпоқ, абохли, ўр уруғларига бўлинади.

Кўнғиротларнинг вахтамғали қавми (Очамайли ва қазаёқли уруғлари) Шеробод воҳаси, Сурхоннинг қуйи оқими, Амударё водийси ва Термиз атрофида, Қоратоғдарё хавзасида, Шерободдарёнинг ўрта оқими ҳамда Кўхитанг тизмасининг Шарқий ёнбағридаги

бир қатор қишлоқларида (Ғорин қишлоқ, Жангиариқ ва Хўжақия) истиқомат қилишлари қайд қилинган.

Қўштамғалилар Шерободдарёнинг ўрта оқими (Қалламосор қишлоғи), Қиршак дарёси хавзаси ва Хомконда кичик ва катта Ўрадарё хавзаларида, шунингдек, Шеробод воҳаси ва Қўхитангнинг шимолий қисмидаги Шўроб, Чакчак давони яқинидаги ва хозирги Олтинсой тумани ҳудудларида ўрнашганлар. Қонжиғали уруғи Шеробод воҳасидан Жарқўрғонгача, шунингдек Сурхон дарёсидан то Боботоғ тизмасига, Термиз атрофидан Деҳқонободгача тарқалганлар. 12 уйли ойинли уруғи эса Шерободдарё хавзасининг ғарбий ҳудуди бўйлаб жойлашганлар. Тортувли уруғи эса эски Бойсун беклигининг шимолий ҳудудларида жойлашган. Бугунги кунгача қўнғиротлар шу ҳудудларда истиқомат қилишиб, воҳа этник таркибининг асосий қисмини ташкил этишади.

Юзлар қўнғирот уруғи каби ўзбек элатининг энг катта уруғ ва қабилаларидандир. Х.Дониёров «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» китобида юзларнинг уч гуруҳини келтириб ўтади: қарапчи, марқа боласи, режаб боласи. Албатта Х.Дониёров Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотлар асосида юзларнинг уч гуруҳини келтириб ўтган. Сурхон воҳасида юзларнинг асосан қарапчи ҳамда туркман юз уруғлари яшайди. Улар асосан Шўрчи, Олтинсой, Денов ва Узун туманларида истиқомат қиладилар. Юзларнинг Марказий Осиёга келиши, ижтимоий турмуши ва хўжалиги ҳақида Н.А.Аристов, В.В.Бартолд, Х.Дониёров, В.И.Липский, Н.А.Маев, Л.П.Потапов, И.П.Магидович, Б.Х.Кармишева каби олимлар ўз асарларида тўхталиб ўтадилар.

Б.Х.Кармишеванинг таъкидлашича туркман юзларининг Сурхон-Ҳисор воҳасига келиши ҳақида учта фикр мавжуд: биринчисига кўра, юзлар-қўнғиротлар каби орқа юртдан; иккинчисига кўра улар-аждоқлари юрти Ўратепадан ва Нуротадан кўчиб келганлар. Соҳибқирон Амир Темур даврида Сурхон воҳасида Туркман дашти мавжуд бўлиб, ривоятларга қараганда Туркман дашт Амир Темур отасининг кўрғони бўлган. Амир Темурнинг бешинчи бобоси Қорача Нўёнга Кеш вилояти суюрғол қилинганлиги асосида учинчи фикр илгари сурилган, яъни Султон Санжар томонидан юзта туркман кўчириб келтирилган. Шунинг учун юз (жуз), яъни туркман-юз деб аталади. Сурхон воҳасидаги юзлар ўзларини Жиззах ва Самарқанддан кўчиб келганлар авлоди деб таъкидлашади. Х.Дониёровнинг фикрича, самарқандлик юзларнинг аждоқлари асли Ҳисор-Қўлобдан келган. 1924 йилги аҳоли рўйхатида асосланиб И.Магидович қўйидаги маълумотларни тақдим этади. У ўзбек қабилалари орасида «Қирқ юз» деган қабилалар иттифоқини (бирлашмасини) ажратиб, уларни қандайдир ҳарбий маънога эга бўлган қабилалар иттифоқининг қолдиғи деб ҳисоблайди. И.Магидович ўз тадқиқотларида бу иттифоқдаги баъзи гуруҳларни ҳам кўрсатиб ўтади. Улар қуйидагилар; Марқа (Кофирнигон воҳасида), Хитой-юз (Қоратоғдарё водийсида), Қорапчи (Сурхондарёнинг юқори оқимида), қирқ (Қашқадарё ва Самарқандда) ва юз (Самарқандда).

И.Магидович этнографик ҳисобот маълумотларига суяниб, «юз» қабиласини Фарғона, Хўжанд ва Тошкент вилоятларида ҳам истиқомат қилишини таъкидлайди. Олиб борилган тадқиқотларимизда бу қабилалар иттифоқини қуйидаги илмий асосланган бўлимларга бўлиб ўргандик. Қорапчи ва Марқадан ташқари, сўров натижаларига асосланиб, биз юз қабиласи таркибига яна иккита уруғни киритдик; вахтамағали (ёки бахтамағали) ва жилонтамағали. Ўз навбатида, сўровлар натижасида бу икки уруғ яна майда даҳаларга бўлинади.

Юз-вахтамағалилар таркибига-кесовли, қоziёқли, жориқ бош, алифли, бўгажили, батош, қаропчи, қозоқ уруғлари қиради. Юз-жилонтамағалилар таркибига-қарға, Иярчи, кўса, болахўр, йўрға, боғанали, потас ва қоратамағали уруғлари кирган.

Қайд этилган Кесовли ва Қоziёқли уруғлари хусусида Н.Ф.Ситняковский тузган ўзбекларнинг қўнғирот уруғи генеологик жадвалида Қоziёқли ва Кесовли Вахтамағали қабиласи таркибида, Кўса эса Қўштамағали таркибида кўрсатилади, Қоziёқли эса, биз юқорида қайд этганимиздек, Қўнғирот қабиласи таркибида гавдаланади. И.Магидовичда ҳам Қоziёқли Қўнғирот қабиласи таркибига киритилган. Юз қабиласининг майда гуруҳларида

хам одамларнинг лақаби бўйича номлаш одати бўлган. Маълумотларга кўра юз қабиласи таркибида қўйидаги майда гуруҳлар ёки лақаб билан айтиладиган уруғ-қариндошлар бўлган;

1. Халфабачча (устага таълуқли бола, шогирд)
2. Юнғабачча (Жун босган бола)
3. Сарибачча (сарик бола. Сари кишининг боласи)
4. Кўса (соқоли йўқ, бесоқол)
5. Банғибачча (наша чекадиган кишининг боласи)
6. Калбачча (сочи йўқ кишининг боласи, ёки сочи йўқ бола) ва ҳакозо.

Юз қабиласи тўғрисидаги маълумотлар қадимий манбаларда учрамайди. Ёзма манбаларда на турк, на мўғул қабилалари таркибида бу қабилалар ҳақида фикр юритилмайди. Хусусан Сурхондарёда қандай пайдо бўлганликлари ҳақида ҳам аниқ илмий этнографик манбалар ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган. Фақатгина ўзбекларнинг юз қабиласи XVII асрдан бошлаб Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва Ўратепадаги яшаган аҳоли таркибида XVII асрдан бошлаб яшаганлиги баъзи бир манбаларда қайд этилган. Қайд этилган маълумотларга асосланиб, тадқиқот ва сўровлар натижасига таяниб; Юз қабиласи Сурхондарё вилоятига Бухоро ва Самарқанд ҳудудларидан кўчиб келиб жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, биз юқорида эслатиб ўтган Шўрчи туман Тўла қишлоқ фуқароси Исмоилов Хурсанднинг маълумотига кўра қачонлардир юз қабиласи «Қирқ юздан» ажралиб чиққан ва Жиззахдан кўчиб келган. Бошқа далилларга келсак, уларнинг шеvasи бизнинг кузатувларимизга қараганда, Қўнғиротларнинг шеvasидай, яъни улар ҳам «ж» лаб гапиради. Юз қабиласини антропологик жиҳатдан ўрганишлар шуни кўрсатадики, уларнинг иркий асосида Европоид ирқи ётади. Аммо озроқ Монголоид ирқи белгилари аралашмаси мавжуд. Бу белгилар Ўзбек-Турк қабиласида нисбатан кўпроқ, аммо Ўзбек-Қўнғиротларида нисбатан кам ҳисобланади.

Қарлуқлар Милодий VI-VIII асрларда Сурхон ҳам Тоҳаристон таркибида бўлиб, мавжуд аҳоли ўтроқлашган туркий қабилалардан иборат гуруҳларни ўз ичига олиб, маълум қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда турмуш кечирган. Бу аҳоли асосан турк хоқонлиги ихтиёрида бўлиб VI аср охири VII аср бошларида Еттисув ва Шаркий Туркистондан кўчиб келган туркийзабон қарлуқ Халач, Чигил қабилалари билан қўшилиб аралашиб истикомат қилган. Натижада сиёсий нуфузи устун бўлган қарлуқ Ябғулари Тоҳаристонда ўз мавқеларини кучайтириб ҳокимият бошқарувини қўлга олдилар. Ябғу мансаби авлоддан-авлодга мерос қолдирилиб уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Шу тариқа Сурхон воҳасида илк қарлуқ қабилаларининг келиб жойлашишига асос солинди. Қарлуқлар Қорахоний туркларнинг Мовароуннаҳр бўйлаб юришларида, шунингдек, уларнинг давлат бошқаришига фаол қатнашганлар. Тадқиқотлар даврида «Қарлуқ» қишлоқ кенгаши аъзоси Бозоров Худойкул (Турк қабиласига мансуб ўзбек) таъкидлашича «Бу ерлар салқин, қор кўп, чунки тоғлар яқин, шу туфайли бу ерни «Қорлик» деб атайди-деган фикрни билдирди. Шунга ўхшаш яна бир тадқиқот манбасида «Ўғуз ўз халқи билан Ғура-Ғарчистондан ўзнинг эски юртига қайтаётганда йўлда катта тоғ ёнига келганида қалин қор ёғади. Натижада кўплаб оилалар қорда йўлда қолиб кетади. Ўғуз орқага қайтишни истамай қорда қолган оилаларни «кимдир қор ёққани сабабли орқада қоладими?» деб таъкидлайди.

Шу сабабли қорда қолган бир неча оилага Ўғуз қарлуқ номини беради; яъни «Қорнинг эгаси: Қорлик» деган маънони билдиради. Қарлуқ қабиласи ана шу одамлардан келиб чиққан. Бу афсоналар ҳақиқатга қанчалик тўғри келиши бизга номаълум. Эҳтимол, «Қарлуқ» қишлоғи ўзоқ ўтмишда бу ерларга келиб қолган турк-қарлуқлар номини олгандир. Ўзбек халқининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган қарлуқ уруғлари бошқа қабилалар ва ўтроқ маҳаллий аҳолини ҳам ўз таркибига қўшилишига таъсир кўрсатиб «Қарлуқ турклари» ёки «Хоқонликлар»ни шаклланишига имконият яратган. Ўз навбатида «Қарлуқ» атамаси бир қанча қабил ва ўтроқ аҳоли учун этник ном ҳам бўлган. Қарлуқ тили илк ўрта асрларда вужудга келган. Қадимий туркий гуруҳига кириб IX-X асрларда ташкил топган. Қарлуқ диалекти IX-X асрларда ўзбек аждодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланган даврига тўғри келади.

Сурхон воҳасининг Олтинсой, Сариосиё ва Узун туманиларида Қарлуқлар яшайдилар. Олтинсой туманининг Қарлуқ қишлоғида 1925 йилда 636 киши яшаб, 120 хўжаликни ташкил этган. Сариосиё Узун туманиларида яшовчи қарлуқлар XIX аср охири – XX аср бошларида ярим ўтроқ ҳаёт кечирган. Улар баҳор ва ёз ойларида тоғларда ўтов ва қапа тикиб чорваларини олиб борсалар, кузда қишлоқ учун қишлоқларга қайтганлар. Бу қарлуқлар кам бўлсада деҳқончилик билан ҳам машғул бўлганлар.

Энди юқорида кўрсатилиб ўтилган уруғларнинг миграция жараёни ва яшаган, ҳозирки кунда ҳам яшаётган ҳудудлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз. Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан кўплаб этник гуруҳлар миграция сабабли жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан этник маданий муносабатларда бўлганлар. Уларнинг кўпчилиги вақт ўтиши билан ўтроқ аҳолига аралашиб этник номларини унутиб юборганлар. Лекин айрим этник гуруҳларнинг номлари улар яшаган жой номларига ўтиб қолган. Турли этник гуруҳларни маълум бир ҳудудда узоқ яшаб, бу жойлардан кўчиб бошқа минтақаларга бориб жойлашиб қолиш ҳоллари ҳам бўлган. Шунга қарамай уларнинг этник номи аввалги яшаган жойларида узоқ вақт мобайнида сақланиб қолаверган. К.Шониёзовнинг ёзишича, Даштиқипчоқдан Мавароуннахрга кўчиб келган этносларнинг ҳаммаси ҳам кўп сонли бўлавермаган. Уларнинг айримларигина, масалан, қипчоқ, сарой, кўнғирот, юз, минг, найман, манғитлар бошқаларга нисбатан йирик этник гуруҳ ҳисобланган. Мазкур этнослар ичида энг кўп сонлиси қипчоқлар эди. XVII аср охири – XIX аср бошларида қипчоқлар 270 минг атрофида бўлган[13:110].

Таъкидлаш жоизки Дашти қипчоқ кўчманчи қабилаларининг ҳаммаси ҳам Мавароуннахрга кўчиб келмаган[14:275]. Айнан шу даврдан эътиборан Сурхон воҳасига ҳам кўплаб туркий гуруҳларининг кириб келиши кузатилади. Сурхон воҳасининг ўзига хос табиий иқлими этник жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатган. Унинг мўътадиллиги, баҳор фаслининг эрта келиши, ёз фаслининг узоқ давом этиши ва қиш фаслининг илиқроқ келиши этник гуруҳларнинг воҳа бўйлаб кенг жойлашуви имкониятини юзага келтирган.

Сурхон воҳасида ҳудудий жиҳатдан жуда кенг жойлашган этник гуруҳни кўнғиротлар ташкил этади. Кўнғиротлар бутун воҳа бўйлаб кенг тарқалган ва бу ерда аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Улар Бойсундарё, Шерободдарё ҳавзаси Амударё ва Сурхондарё бўйидаги аҳоли пунктларида тарқалганлар. Кўнғиротлар воҳанинг шимоли ва жануби ғарб томонларида айниқса зич жойлашган. Уларнинг хўжалигида чорвачилик этакчи ўринда туради. Кармишованинг кўнғиротлардан ёзиб олган маълумотида кўра, уларнинг аجدодлари Кўхитанг тизмасининг ҳар икки томонидаги дашт ва адирликларда яшаган. Кейин улар аста-секинлик билан ғарб ва шарққа ёйилиб, Шеробод воҳаси ва Бойсунтоғ тизмасининг тоғ олди адирликларини эгаллаганлар. Кўнғиротлар асосан чорвадор халқ бўлганлиги туфайли асосан тоғ ҳудудларда истиқомат қилишиб келишган. Ҳозирги кунда воҳанинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган юз этник гуруҳи кўнғиротларни бу ҳудудларга ўтишига қаршилик кўрсатишган. XIX аср охирига келиб кўнғиротлар асосан Сурхон воҳасининг шимолий-ғарбий ҳудудларига мустақкам жойлашадилар ва бу ҳудудда улар ҳозирги кунгача истиқомат қилиб келишмоқда[15].

Юзлар Сурхон воҳасининг юқори ва ўрта қисмида кўнғиротларга бевосита қўшни бўлиб яшаганлар. Воҳада юзларнинг йирик бўлинмаси туркман-жузлар ҳам кенг тарқалган. Юзлар воҳадаги салмоқли этник гуруҳ ҳисобланиб, бир неча уруғларга бўлинишади ва бу уруғлар алоҳида ҳудудлар бўйлаб жойлашганлар. Юзларнинг Алифли уруғи Жиндибулоқ (Олтинсой тумани)да, Кесовли уруғи Ободон, Толли (Шурчи тумани)да, ҳамда Ҳазарбоғ (Денов тумани)да, Жорикбош уруғи Ялти ва Совжиронда, Қозоқ уруғи Миришкор ва Олатемирда, Кўстамғали уруғи Култепада, Қозоёқли уруғи Хўжасоат, Қумпайкал, Тўхтамиш, Лўкка қишлоқларида, (Олтинсой тумани)да Бўгажили уруғи Хайрабод (Денов тумани)да ва бошқа ҳудудларда яшайдилар[16].

Жилонтамғалиларнинг Кўса уруғи Тўла, Олатемир (Шўрчи тумани), Пахтакор, Икраз, Дегрез (Олтинсой тумани) Иярчи уруғи Охунбобоев, Патос уруғи Хидиршо, Дуғоба, Икраз, Мормин, Сайрак, Қоратепа, Жолти, Мўминкул (Олтинсой)да, Болахўр уруғи А.Сафаров (Шўрчи тумани)да, Сайрак (Олтинсой тумани)да Қарға уруғи Толли ширкат хўжалигида,

Йўрға уруғи Ижтимоият ширкат хўжалигида, Боғонали уруғи 8 март ширкат хўжалиги (Денов тумани)да, Боштепа (Шўрчи тумани)да, Қоратамғали уруғи Регар атрофларида яшайдилар.

Юзнинг катта уруғларидан яна бири бу қаробчи уруғи бўлиб, қаробчилар Олтинсой туманининг Обшир, Чуқур Обшир, Жобу, Дегрез, Овчи, Зардақўл, Тўхтамиш, Чинор, Бодиҳаво қишлоқларида, Шўрчи туманининг Охунбобоев жамоа хўжалиги, Денов туманининг Охунбобоев жамоа хўжаликларида яшайдилар. Қаробчилар бир неча уруғга бўлиниб: гардон, чичқоқ, холмат, кўкан, ашурбек, жаҳастуби, гадойхўжа уруғларини ташкил қиладилар. Қаробчиларнинг Сурхон воҳасига келишини Сўфи Оллаёр эшон бобо билан боғлайдилар. Қаробчилар Сўфи Оллаёр эшон бобо билан Каттакўрғондан бирга келишган.

Қарлуқлар эса Шўрчи тумани, яъни Сурхондарёнинг Қарлуқдарё номли ирмоғи бўйида тоғ яқинидаги Қарлуқ қишлоғида жойлашган. К.Ш.Шониёзов таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ аҳолиси турғун ҳаёт кечирган ва бу ерга қачон келиб ўрнашганликларини билишмайди[17:151-152]. Сариосиё ва Узун туманларидаги қарлуқлар беш юз уйли қарлуқ бўлиб, улар Чолмиён, Нелова, Бойқишлоқ, Саримозор, Тоғчиён, Кўлмозор, Буйрапуш, Фозилкўчди қишлоқларида яшаганлар. Олтинсой туманидаги Қарлуқ қишлоғи Ипоқ дарёси соҳилида жойлашган. Шу боисдан, бу қарлуқларни Ипоқ қарлуқлари ҳам дейишади. Ипоқ қарлуқлари XIX аср охири XX аср бошларида ўтроқ ҳаёт кечириб асосан деҳқончилик ҳамда қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Ипоқ қарлуқлари антропологик, лингвистик ҳамда урф-одатлари жиҳатидан Муборак туманида яшовчи қарлуқларга ўхшайдилар.

4. Хулоса:

Тарихий-этнологик манбаларга асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқининг ажралмас қисми бўлган Сурхон воҳаси аҳолиси энг қадимий ўтроқ маҳаллий аҳолидан иборат бўлиб, улар палеолит давридан бошлаб моддий ва маънавий маданияти ҳар томонлама юксак ривожланганлигидан далолат беради. Маҳаллий ўтроқ аҳоли билан кўчманчи туркий ва форсий уруғларининг ўзаро яқинлашуви ва бирикиши жараёнида ягона туркий ва форс-тожикларни умумлашган ҳудудий жойлашуви вужудга келди. Воҳада яшовчи ўзбек ва тожиклар ўртасидаги ўзаро алоқалар икки халқни бир-бирлари билан яна ҳам яқинлаштирди. Натижада XV – XVIII асрларда айрим ўзбек гуруҳлари тожиклар таркибига, баъзи тожик уруғларининг ўзбеклар таркибига кириши давом этиб, Сурхон ҳудудидаги Ангор, Бойсун, Денов, Шўрчи, Узун, Шеробод, Жарқўрғон, Термиз ҳудудларида XIX аср охири XX аср бошларида чиғатой ўзбеклар, чиғатой тожиклар, ўзбекларнинг кўнғирот, чиғатой, хўжа, манғит, турк уруғлари, тоқчи тожиклар ўтроқ ҳолда истикомат қилишган.

Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг ўзбек халқи шаклланишига қўшган ҳиссасини қадимги моддий ва маънавий манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, қулай табиий иқлим, сунъий суғорма деҳқончиликнинг кенг тараққий этганлиги ҳамда хунармандчиликнинг ривожланишига имконият бўлганлиги туфайли аҳоли ўтроқ ҳолда яшаб, асрлар давомида этнологик жараёнлар натижасида муқим этник қатламга айланиб борган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Tursunov S., Kobilov E., Pardayev T. and others. Surkhandarya in the mirror of history. –Т .: “Sharq”, 2001.
2. Tursunov S., Pardayev T., Kurbanov A., Tursunov N. The history and culture of Uzbekistan - Surkhandarya ethnography. – Т .: National Library of Uzbekistan, 2006.
3. Tursunov S.N., Pardaev T.P. Surkhandarya ethnography. Termiz., 2010.
4. Shoniyozov K.Sh. The process of formation of the Uzbek people. - Т .: “Sharq”, 2001.
5. Uzbeki-lokayts Southern Tajikistan. Dushanbe, 1954.
6. Karmysheva B.X. Types of livestock in the southern regions of Uzbekistan and Tadjikistan (end of XIX - beginning of XX century) 1969. № 3.

7. Umarov I. Ethnogenesis of the Turkic peoples of Central Asia (Khongirads). Kharshi. 2003.
8. Abulgozi Bakhodirkhan. Shajarai turk. Tashkent. 1992.
9. Hafiz Tanish al-Bukhari. Abdullanoma. Honorary King. Book 1, Tashkent., 1999.
10. Doniyorov X. Dynasty and dialects of the Uzbek people. Tashkent, “Fan” publishing house, 1968.
11. Rashid ad-din. Sbornik lithopisey, vol. 1, Moscow-Leningrad., 1952. 102 pp.
12. Karmyshova B.X. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tadjikistan and Uzbekistan. Moscow., 1976.
13. Shoniyozov K.Sh. К etnicheskoy istorii uzbekskogo naroda. Tashkent., 1974.
14. Askarov A.A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Tashkent., 2007.
15. Field records. March 2018. Oltinsoy district.
16. Field records. October 2019. Oltinsoy district
17. States of Kharluks and Kharluks. Tashkent., 1999.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000